


Кун нафаси



ТУРКИСТОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

10 февраль куни Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида Марказий Осиё давлатларининг биринчи парламентлараро форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси ҳам иштирок этди.

Форум иштирокчиларига Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари кутлов сўзларини йўллади. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг кутлов сўзини Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Тадбир якунида Марказий Осиё давлатларининг биринчи парламентлараро форумининг минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни қўллаб-қувватлаш мақсадида парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган Туркистон декларацияси қабул қилинди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ОРТИЛГАН БЕШИНЧИ САМОЛЁТ




Ўзбекистон Республикасининг Истанбул шаҳридаги Бош консулхонаси 12 февраль куни Туркияга навабдаги инсонпарварлик юки етказилгани ҳақида хабар берди. Бу 6 февраль куни рўй берган зилзиладан сўнг юборилган бешинчи ёрдам ҳисобланади.

«ХАЙРАТОН – МОЗОРИ ШАРИФ» ТЕМИР ЙЎЛИ УЧУН ЯНГИ КЕЛИШУВ



«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг маълум қилишича, жорий йилнинг 12 февраль куни Афғонистон темир йўли бошқармаси ва «Соғдиана транс» ШК ўртасида «Хайратон – Мозори Шариф» темир йўлида эксплуатация ишларини давом эттириш тўғрисида янги келишув имзоланди. Унга қўра, «Соғдиана транс» яна икки йил давомида ўз фаолиятини давом эттиради.

«ELSEWEDY ELECTRIC» ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Лазиз Қудратов Мисрнинг «Elsewedy Electric» раҳбарияти билан учрашув ўтказди. Унда мамлакатимиз энергетика соҳасида қўшма лойиҳалар амалга ошириш ва инновацион ишланмалар жорий этиш истиқболи муҳокама қилинди.

ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТДИ



Туркиядаги зилзила қурбонлари 31643 кишига етди. Бу ҳақда ҳукумат ҳузуридаги Табиий офатлар ва фавқулодда вазиятларга қарши кураш бошқармаси (AFAD) хабар берди.

Назм

Зулфия МҲМИНОВА

Бобур Ватанга интилу

Ватан жондан яралганму,
Жон ила танга интилу.
Дунё Бобурга интилу,
Бобур Ватанга интилу.

Карвонлари кўп дунё,
Қароқчилар тўп дунё.
Китоб ортган карвоннинг
Кўнғироғин ўп дунё.

Дема «Бобур зору, муҳтож,
Лаъли – Яманга интилу.
Дунё Бобурга интилу,
Бобур Ватанга интилу.

Булбулга не жафо ортиқ,
Чамансизлик, чамансизлик.
Одамга ўлимдан ортиқ,
Ватансизлик, ватансизлик.

Илдизи она тупроқда,
То тирик анга интилу,
Дунё Бобурга интилу,
Бобур Ватанга интилу.

Бошга олтин тож ортиқча,
Кўзда ёшлар чашма-чашма.
Қаердасан Амударё,
Бобур ташна, Бобур ташна.

Юз оҳ ила оҳ фарёди,
Тунлар тобонга интилу.
Дунё Бобурга интилу,
Бобур Ватанга интилу.

Узумингдан бир дона еб,
Қовунингни битта ҳидлаб,
Бобур ўтди, туз, оҳ, дея,
Бобур ўтди, йиғлаб-йиғлаб.

Бир жонига неча қасдлар,
Оғулар анга интилу.
Дунё Бобурга интилу,
Бобур Ватанга интилу.

Тахт ортида ажал пойлар,
Тожни бошга танғир ажал.
Ҳар лаҳзада жонини кўзлаб,
Санғир ажал, санғир ажал.

Дунё Бобурга интилиб,
Жонин олмиш, жонин олмиш.
Андижонда бешик кучиб,
Ватан қолмиш, Ватан қолмиш.

Зебу зарда саодат йўқ,
Ки ғофил анга интилу.
Дунё Бобурга интилу,
Бобур Ватанга интилу.

Ўза юртнинг олтин тоғи,
Ватан бўлмас, ватан бўлмас.
Шоҳ шоири бўлманг ҳамки,
Сенинг бўлмас, сен тан бўлмас.

Ватан – иймон, Ватан – виждон,
Номусу шанга интилу.
Бу дунёдан ўтса ҳамки,
Бобур Ватанга интилу.
Дунё Бобурга интилу,
Бобур Ватанга интилу.



«Ishonch»га жавоб берадилар

Халқ рассомига қалам ҳақи тўланади

«Ishonch» газетасининг 2023 йил 4 февралдаги сониди «Халқ рассомига ҳурмат шуми?» номли мақола эълон қилинган эди. Унга Маданият ва туризм вазирлиги қўйидагича муносабат билдирди:



шидаги музейи учун 23 та, жами 33 та ранг-тасвир ва графика асарлари билан музей экспозицияси бойитилган.

2022 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов Вазирлар Маҳкамасига ушбу масала бир неча йилдан буён ижобий ечим топмаётгани ҳақида мурожаат қилади. Шундан сўнг Маданий мерос агентлиги томонидан вазият ўрганиб чиқилган ва қарздорликни бартараф қилиш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш саъй-ҳаракатлари бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 майдаги «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2022 йил 22 ноябрда Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Бадий музейи эксперт кенгаши томонидан А.Мирзаевнинг санъат асарларини харид қилиш масаласи ижобий ҳулоса билан кўриб чиқилган ҳамда 3 та рангтасвир ва 30 та графика асарга жами 273 000 000 (икки юз етмиш уч миллион) сўм маблағ тўлаб берилиши мақсадга мувофиқ деб топилган.

Ҳозирги кунда юқоридаги жараёнлар ижобий ечимини топиб, Халқ рассоми билан Маданий мерос агентлиги ўртасида шартнома расмийлаштирилди. Ижодкорнинг ҳисоб рақамига юқорида келтирилган маблағлар ўрнатилган тартибда тушириб берилмоқда.

Маданият ва туризм вазирлиги ўринбосари Б.АҲМЕДОВ

Таклиф

Мен қишлоқ мактабиди ўқиганман. Сентябрь ойида дарсга борганмиз. Тўртинчи синфдан кейин фақат янги ўқув йилининг очилиши ва дастлабки ўн беш кунлик дарсларда иштирок этганмиз. Негаки пахта йиғим-терими бошланарди. Кейин қишки таътил. Албатта, қишки мавсумда жисмоний тарбия дарсида синфхонада шахмат-шашка ўйнаганмиз.

Таътилни қишга кўчирсак...

Апрель ойининг охири, майнинг дастлабки ўн кунлигида гўза яганасига чиққанмиз. Май ойида ўн беш кун пилла теришга ҳашарга бориларди. Июнь ойида бирдан имтиҳонларни топширардик.

Эзи оромгоҳлар кам бўлгани боис тенгдошларимнинг асосий қисми эзи таътилни уйда ўтказишарди, мол-ҳол боқардик, ҳовлидаги қурилишларга ёрдам берардик, катта синфдагилар эса гишт куйиб, пул ишлашарди, очиги, икки ой меҳнат қилиш билан ўтарди.

Ана энди ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам мажбурий меҳнатдан халос бўлди. Аммо уларга бу бўшлиқни тўлдирish учун аригулик машғулот тавсия этилмаяпмиз. Албатта, ҳозирги шароит олдингисидан анча яхши. Стадионлар, спорт заллари кўп. Минг афсуски, мактабларда интернет йўқлиги, бор бўлса ҳам кучсизлиги, синфхоналари, кутубхоналар, спорт залларнинг совуқлиги, тўғарақларнинг ўз вақтида фаолият кўрсатмаслиги кўзга яққол ташланиб қолди.

Ўқув йилининг сентябрда бошланиб, май ойида тугаши бу – собиқ СССР таълим тизимидан «мерос». Шундай экан, уни биз ўзимизнинг маҳаллий шароитга мослаштириб олишимиз мавриди келмадимикан?

Мисол учун, ўрта мактабларда, ҳатто олий ўқув юрларида ҳам янги

рад қилинапти – хуллас, муҳокамада. Лекин таълим тизимидаги кўплаб мониторинг гуруҳлари, шу соҳага тегишли олий ўқув юрларининг ўқитувчилари, олимлари нега бир жойга тўпланиб, ўзаро фикр юритиб, ушбу юзасидан хулоса беришмаяпти.

Биламан, ҳар қандай соҳада янгилик оғир кечади, бирдангиза ҳам қила олмаймиз. Шундай экан, аввал унинг илмий асоси ишлаб чиқилса, кўпчилик билан маслаҳат қилинса, ёмон бўлмади. Дунёдаги кўплаб давлатлар янги ўқув йили бошланишини ўз шароитидан келиб чиқиб белгилашган.

Бу йилги қиш мавсуми бизга таълимга янгича ёндашимимиз кераклигини кўрсатиб қўйди. Ҳозирда таълим тизимида дарсликларни, дарс жараёнини такомиллаштириш, хорижий тажрибани қўллаш қизгин давом этапти ва у самара беришига ишонамиз. Ана шундай пайтда агар биз таълим жадалини ҳам табиатимизга мос қилиб олсак, яхши бўлади.

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Инспекция фаолиятига назар:

77 МИНГ 408 НАФАР ИШЧИ-ХОДИМНИНГ ХУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Сарҳисоб

Республикада мингдан ортиқ йирик ишлаб чиқарувчи завод, корхона ва ташкилот бор. Табиийки, ишчи-ҳодимлар фаолияти билан боғлиқ турли-туман хавф-хатардан ҳоли эмас. Арзмаган эҳтиётсизлик ҳам оғир фалокатларга олиб келиши мумкин.



Қобилжон ҚИРГИЗАЛИЕВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи

уюшмалари ташкилотларига 771 та кўрсатма киритилиб, камчиликлар бартараф этилди. Аниқланган камчиликлар доирасида иш берувчилардан ходимлар фойдасига 21 миллиард сўмдан ортиқ ойлик иш ҳақидан ўтган қарздорлик ва маънавий зарарлар ундирилди. Биргина «Ўзсувтаъминот» АЖга қарашли 135 та ташкилотда техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилишга оид, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан 798 та камчилик аниқланган.

Бундан ташқари, қурилиш объектларида ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, ходимларни дастлабки ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш, иш ва касб турларига оид аниқланган 254 та камчилик бўйича иш берувчиларга 34 та кўрсатма киритилиб, 194 та масала ечимини топди.

Меҳнат инспекцияси хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш йўлида ҳам қатор ишларни бажариб келмоқда. Ана шу мақсадда Тўқимачилик ва ипакчилик соҳаларидаги 22 та корхона ва ташкилотдаги ҳолат ўрганилди. Аниқланган 245 та камчилик доирасида иш берувчиларга 17 та кўрсатма киритилиб, шундан 173 таси ижобий ҳал этилди.

Иш берувчилар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этмаслик юзасидан кўриб чиқилган 2 минг 935 та мурожаат натижасида 22 минг 898 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 15 миллиард 222 миллион 500 минг сўм ундирилди.

Ҳисобот даврида касба уюшмаларига жисмоний ва юридик шахслардан 4846 та, шундан 2112 та ёзма, 802 та оғзаки ва 1505 та интернет тармоғи орқали электрон шаклдаги мурожаат келиб тушган бўлса, «Ишонч телефонлари» орқали 427 та мурожаат қайд этилган.

Мурожаатларнинг мазмунига кўра 2668 таси ариза, 2153 таси шикоят ва 25 таси тақлифларни ташкил этади.

Шикоятлар мазмунига кўра 2142 таси ҳуқуқий ҳимояга оид, 930 таси ижтимоий-иқтисодий манфаатлар ҳимоясига, 95 таси меҳнат муҳофазасига, 291 таси касба уюшма ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятига, 572 таси санаторий ва соғломлаштириш



масалаларига, 473 таси моддий ёрдам ажратишга ва 29 таси ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид бошқа масалалардир. Аризаларнинг 1158 таси қаноатлантирилган бўлса, 2763 нафар муаллифга тушунтириш берилди, 266 таси рад этилиб, ёзма шаклдаги 13 та мурожаат эса аноним деб топилди. 88 таси низоом талабларига мувофиқ кўрмай қолдирилди. Ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб иш берувчиларга киритилган 153 та тақдирноманинг 93 таси қаноатлантирилган, аммо 60 таси рад қилинган.

Иш берувчилар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этмаслик юзасидан кўриб чиқилган 2 МИНГ 935 ТА МУРОЖААТ НАТИЖАСИДА 22 МИНГ 898 НАФАР ХОДИМНИНГ ХУҚУҚИ ТИКЛАНИБ, УЛАР ФОЙДАСИГА 15 МИЛЛИАРД 222 МИЛЛИОН 500 МИНГ СЎМ УНДИРИЛДИ.

Судларга киритилган 84 та даъво ва буйруқ тартибдаги аризалардан 67 таси қаноатлантирилган, 9 та ҳолатда иш берувчилар ўз ихтиёри билан ходимнинг ҳуқуқларини тиклаганилиги сабабли даъводан воз кечилиб, тарафлар ўртасида келишув битимлари тузилган.

Барча мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра 16 минг 505 нафар шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланиб, ходимлар фойдасига 11 миллиард 794 миллион сўм зарар пули ундирилди.

Ўтган давр мобайнида Меҳнат инспекцияси бошқа жабҳаларда ҳам фаоллик билан иш олиб борди.


Чунончи Ижроия қўмитанинг «2022 йилги пахта йиғим-терим мавсумида теримчилар

гачан шарт-шароитлар яратиб берилиши, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасида касба уюшмаларининг жамоатчилиги назоратини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори асосида мавсумда ташкил этилган жамоатчилик назоратида меҳнат техник инспекторлар ҳам фаол қатнашди.

Мавсум давомида Миллий мониторинг мобайнида 398 та фермер хўжалиги, 3 та олий таълим, 21 та профессионал таълим муассасаси, 298 та умумтаълим мактаби, 38 та мактабгача таълим ташкилоти, 103 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 15 та тадбиркорлик субъекти, 112 та ҳокимлик, 151 та маҳалла фуқаролар йиғини таҳлил қилинди.

Меҳнат инспекторлари томонидан ишчи гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда мурожаатлар асосида теримчиларга 3 миллиард сўмдан ортиқ терим пуллари ундириб берилди. Касба уюшмаларининг инспекцияларида фаолият юритаётган инспекторларнинг билим-кўникма ва тажрибасини янада ошириш йўлида ҳам қатор изланишлар олиб борилди.

Жумладан, 2022 йилнинг 28 ноябридан 2 декабрига қадар «Касба уюшмалари меҳнат инспекцияси фаолиятининг истиқболлари» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилиб, унда Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, тармоқ Республика кенгашлари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Навоий кон-металлургия комбинати» касба уюшмаларининг меҳнат ҳуқуқ инспекторлари, юрисконсултлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассисларининг иштироки таъминланди.



Тошкент вилояти
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси Тошгул Муҳаммадалиева жорий йилги касба уюшмаси стипендианти бўлди.

Касба уюшмалари ва ёшлар

ТОШГУЛ СТИПЕНДИАНТ БЎЛДИ

Университет талабалари билан ўтказилган учрашувда унга Касба уюшмаси стипендианти лауреати сертификати ҳамда январь ойининг стипендианти тақдим этилди.

– Тўғриси айтсам, ҳужжатларимни сўрашганда кўпм исшонқирамаган эдим. Кўни кеча гуруҳ раҳбарим кўнғироқ қилиб, сенга касба уюшмалари томонидан стипендия ажратилганидан бўлди, деганида хурсанд бўлганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди, – дейди узоққа диск улоқтириш тури бўйича бир неча йилдан бери шуғулланиб, мамлакат чемпионатларида фахрли ўринларни қўлга киритган Тошгул Муҳаммадалиева.

Тадбирда касба уюшмалари томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шоира ОХУНЖОНОВА, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси маслаҳатчиси



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қошидаги Меҳнат инспекцияси худудлардаги ана шундай йирик ишлаб чиқариш объектларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун мунтазам равишда ташвиқот ва тарғибот тадбирларини ўтказиб келаётир.

Айтайлик, ўтган даврда 77 минг 408 нафар шахснинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 53 миллиард 963 миллион 107 минг сўм зарар пуллари ундириб берилди.

Хусусан, бахтсиз ҳодиса туфайли жабрланувчига етказилган зарар пулини ундириш бўйича Меҳнат инспекциясига йўланган 84 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Бунинг натижасида иш берувчиларга 25 та кўрсатма ҳамда судларга 13 та даъво аризаси киритилиб, 57 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди ҳамда улар фойдасига 1 миллиард 987 миллион 500 минг сўмдан ортиқ зарар тўлови қайтарилди.

Умуман олганда, ўтган йилда 1 минг 340 та ташкилот жамоатчилиги назорати тартибда ўрганилганда 8 минг 133 та ҳолатда меҳнат қончилиги ва норматив ҳужжат талаблари бузилганлиги аниқланди. Бу бўйича меҳнат инспекторлари томонидан иш берувчи ва касба



Анджон вилояти
Избоскан туманида ижтимоий шерик идоралар ва касба уюшма фаоллари иштирокида кенгайтирилган ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Тадбирда касба уюшма қўмиталари раислари, фаоллари ҳамда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Избоскан тумани кенгаши ижроия қўмита аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Анджон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Зафарбек Абдуллаев таълим масканларида касба уюшма аъзоларининг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тегишли тавсияларни берди.

Шунингдек, тармоқ ходимлари касба уюшмаси туман кенгаши раиси Акбарали Аҳмадалиев туман ХТБ ва МТБ билан тузилган худудий (тармоқ) келишувларга асосан меҳнат муносабатларини тартибга солиш масаласида амалга оширилган ишларга эътиборни қаратди. Хусусан, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига доир барча масалалар



ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

бошланғич касба уюшмалари билан маслаҳатлашган ҳолда амалга оширилгани таъкидланди. Йил давомида фуқароларнинг мурожаатлари ҳал этилиши, мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш, йўлланмалар ажратиш ва кам таъминланган ходимларга моддий ёрдамлар кўрсатиш, болаларни соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш, касба уюшмаси ҳаракатига кенг жалб этиш, ходимларнинг тиббий кўриқда чиқимдор бўлмаслиги ҳамда ўтказилган маънавий-маърифий

ва спорт тадбирларига батафсил тўхталинди. Вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ҳабибилло Усмонов эса 2023 йил 30 апрелдан кучга кирадиган янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида батафсил сўз юритди.

Йиғилиш сўнгиде келгуси вазифалар белгилаб олиниб, бир гуруҳ бошланғич касба уюшма қўмиталари раислари ва ходимларига эсдалик совғалари ҳамда соғлиқларини тиклашлари учун санаторийларга йўлланмалар тақдим этилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»



Жиззах вилояти
Ғаллаорол туманидаги 25-мактабда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси туман кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлими ўртасида 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа келишувининг ўтган йилда бажарилиши юзасидан йиғилиш ўтказилди.

143 нафар аъзо иштирок этган тадбирда халқ таълими бўлими мудир ва касба уюшмаси туман кенгаши раисининг ҳисоботи тингланди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар фаолиятдаги ютуқ ва камчиликлар хусусида фикр билдиришди. Якунда иш берувчи ва касба уюшмаси ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинди ҳамда текширув комис-



Муҳим мавзуларда МУЛОҚОТ

Қорақалпоғистон Республикаси
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хўжайли тумани кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Р.Абдурахманов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспек-

тори П.Турсунов, таълим ташкилотлари мутасаддилари, бошланғич касба уюшма қўмиталари раислари ва фаоллари иштирок этди. Тадбирда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хўжайли тумани кенгаши фаолиятининг 2022 йил якунлари ва

Жамоа келишуви МУҲОКАМАСИ

сиясининг далолатномаси маъқулланди. Тумандаги «Баркамол авлод» болалар марказида ҳам туман мактабгача таълим бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси туман кенгаши ўртасида 2021-2023 йилларга тузилган жамоа келишувининг ўтган йилда бажарилиши муҳокама қилинди.

Унда мактабгача таълим ташкилотларининг 30 нафар мудир ва бошланғич касба уюшмалари қўмита раислари қатнашди. Ғаллаорол тумани мактабгача таълим бў-

лими мудир З.Хидиров ва касба уюшмаси туман кенгаши раиси А.Шакарбоев ҳисоботлари кенг муҳокама қилинди. Тумандаги 1-, 4- ва 5-мактабгача таълим ташкилотлари бошланғич касба уюшма қўмиталари раислари ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

Фаолият

Тадбир



Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»

